ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

ПРЕНОВ БАРЛИҚБАЙ БАРАҚБАЕВИЧ

КЎП ЎЛЧОВЛИ КОМПЛЕКС АНАЛИЗДА ИНТЕГРАЛ УСУЛЛАРНИНГ ТАДБИҚЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

УДК.: 517.983

Физика-математика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc) по физико-математическим наукам

Content of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract on Physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ПРЕНОВ БАРЛИҚБАЙ БАРАҚБАЕВИЧ

КЎП ЎЛЧОВЛИ КОМПЛЕКС АНАЛИЗДА ИНТЕГРАЛ УСУЛЛАРНИНГ ТАДБИҚЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

Физика-математика фанлари бўйича (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/FM183 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қорақалпоқ давлат университети ҳамда Нукус давлат педагогика институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Худойберганов Гулмирза** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ганиходжаев Расул Набиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Шоимкулов Баходир Аллабердиевич физика-математика фанлари доктори, профессор
	Мысливец Симона Глебовна физика-математика фанлари доктори, профессор (СФУ, Россия)
Етакчи ташкилот:	**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «09» 12 соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (107 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «24» 11 куни тарқатилди.
(2021 йил «24» 11 даги № 2 рақамли реестр баённомаси).

А.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

Р.Н.Ганиходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кўп ўлчовли комплекс $\mathbb{C}^n$ фазодаги функцияларни аналитик давом эттириш ва сингуляр интеграл формулаларни тадқиқлари энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Механика ва математиканинг турли соҳаларида ўзининг кўп сонли амалий ёндашувларига эга бўлган бир комплекс ўзгарувчили функциялар назариясидаги Коши интеграл формуласи каби кўп ўлчовли комплекс анализда Бохнер-Мартинелли интеграл формуласи конструктив ва самарали восита бўлиб хизмат қилади. Бохнер-Мартинелли интеграл формуласи оддий муносабатни, $D \in \mathbb{C}^n$ соҳада голоморф бўлган функцияни унинг ∂D чегарадаги қийматлари орқали ифодалайди. Чегараси силлиқ соҳа $\partial D \subset C^1$ ва шу чегарада узлуксиз функциялар $C(\partial D)$ учун Бохнер-Мартинелли интеграл формуласи тадқиқоти бўйича кўп ишлар қилинган, жумладан: интегралнинг Коши маьносидаги бош қиймати, Бохнер-Мартинелли интегралининг чегаравий ҳолати ҳамда «сакраш» ҳақидаги теорема, комплекс тўгрилар билан кесимдаги интегралнинг ҳолати ҳамда Мореранинг чегаравий теоремаси ва бошқа шу кабилар. Сўнгги вақтларда Бохнер-Мартинелли типидаги сингуляр интегралларига қизиқишнинг янада ортиб кетиши туфайли бу интеграл формулани янада кенгроқ соҳаларда чуқурроқ тадқиқот қилиш, ҳозирги куннинг муҳим долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда классик соҳаларда голоморф функцияларни чуқур ўрганиш зарурати туфайли, Бохнер-Мартинелли сингуляр интегралини бўлакли силлиқ чегарали соҳаларда ва конуссимон махсус нуқталарига эга бўлган чегаравий гиперсиртларда тадқиқ этиш зарурати тугилди. Бу тадқиқот Бохнер-Мартинелли сингуляр интегралининг амалий аҳамиятга эга эканлиги, хусусан, кўп ўлчовли комплекс анализда функцияларни аналитик давом эттириш масалалари, чегирмалар назарияси, сонлар назарияси каби ва бошқа соҳалардаги тадбиқлари билан боглиқ. Шу боис Бохнер-Мартинелли типидаги сингуляр интеграл формуласини бир жинсли бўлмаган конуссимон қиррали гиперсиртларга эга соҳаларда Коши маьносида бош қийматини аниқлаш, Сохоцкий-Племель, «айланиш» ва композиция (Пуанкаре-Бертран-ўрин алмаштириш) формулаларини топиш ва голоморф акслантиришлар учун логарифмик чегирма – Южаков – Рус формуласини ҳамда Л.А.Айзенбергнинг соҳадаги бутун нуқталар сони ва соҳа ҳажми ўртасидаги айирма учун формуласини умумий ҳолларда тадқиқ қилиш, бугунги кундаги долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларда мамлакатимизда фундаментал фанларда амалий татбиқларга эга бўлган долзарб илмий йўналишларга эътибор кучайтирилди. Жумладан, кўп ўлчовли комплекс анализда ва турдош соҳаларда долзарб масалаларни ҳал қилишда интеграл усулларнинг татбиқига алоҳида эътибор қаратиляпди. Мазкур йўналишнинг – интеграл усулларнинг ривожланиши ва уларнинг татбиқлари натижасида математик физика, комбинаторика, статистик физика, алгебраик ва алгебраик бўлмаган тенгламалар системасини ечишда, кимёвий кинетикада ва сонлар назарияси каби соҳаларда салмоқли илмий натижаларга эришилди. Мамлакатимизда, “Математик анализ ва функционал анализ, амалий математика ва математик моделлаштириш, дифференциал тенгламалар ва математик физика, эҳтимоллар назарияси ва динамик системалар назарияси” фанларининг устувор йўналишлари бўйича, халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Бу қарор ижросини таъминлаш мақсади да кўп ўлчовли комплекс анализда янги интеграл усулларни ўрганиш ва уларни ривожлантириш, олинган натижаларни фаннинг турли соҳаларида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион гоялар, технологиялар ва лойихаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3682-сонли Қарори, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори, 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларни кўриб чиқиш. Кўп ўлчовли комплекс анализга оид илмий тадқиқотлар ва илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида, жумладан, АҚШ (The University of North Carolina, Stony Brook University, Princeton university, University of Massachusetts, Ohio State University), Германия (Потсдам университети, uni.potsdam.de), Италия (Рим университети, unirome1.it), Россия(МДУ, НДУ, СФУ ва бошқалар), Исроил (Bar-Ilan university), Франция, Хитой ва кўплаб дунёнинг бошқа ривожланган давлатларида илмий изланишлар олиб борилмоқда[1].

Голоморф акслантириш назариясида асосий конструктив усул сифатида Бохнер (Bochner,USA) – Мартинелли (Martinelli,Italy) интеграл формуласи ҳисобланади. Бу соҳада кейинги тадқиқотларни олиб борган таниқли

[1] Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации получен по источникам: www.sferu.ru, www.bsu.by, www.mi-ras.ru, www.susu.ru, www.math.kz, www.ayu.edu.kz, www.rmi.tsu.ge, www.rwth-aachen.de, www.ull.es, www.nust.edu.pk, www.ime.unicmp.br, www.unishivaji.ac.in, www.ualg.pt, www.apply.shu.edu.cn и др.

математиклардан: C. Look, Z. Tongde, T. Chun, L.Liangin, Ma Daowei, S. Jigang (China), Г. Хенкин (Россия-Франция), F. Harvey, H. Lowson (USA), Л. Айзенберг (Россия-Исроил), M. Sato, T. Kawai, T. Kashiwara (Japan), E. Чирка, В. Какичев, Ш. Даутов, А. Кытманов, А. Цих, В. Кондратьев, С. Мысливец (Россия), В. Кондратьев, Н. Тарханов (Россия-Германия), M. Passare (Sweden) ва бошқалар.

Диссертация ишида ушбу муаллифларнинг бевосита диссертация билан боглиқ илмий ишларига тегишли ҳаволалар келтирилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Интеграл белгиси остида қатнашган функциянинг сиртқи аргументи соҳа чегарасида ётмаганда, Бохнер-Мартинеллининг классик формуласи ўринли бўлади. Агарда бу аргумент соҳанинг чегарасида бўлса, умуман олганда, бу интеграл умумий ҳолда хос интеграл сифатида мавжуд эмас, яьни интеграл сингуляр булади. У ҳолда Бохнер-Мартинелли типидаги сингуляр интегралнинг Коши маъносидаги бош қийматини кўриб чиқамиз. Сингуляр интегралнинг бош қиймати, Сохоцкий-Племельнинг чегаравий ҳолатдаги формуласи, «сакраш» формуласи, «айланиш» формуласи, такрорий интегралларнинг композицияси(Пуакаре-Бертран формуласи) масалалари билан чамбарчас богланган. Бу муаммолар ва бу муаммоларга туташ бўлган муаммолар билан ҳар хил чегаравий шартларда ҳамда ҳар хил синф функциялари учун, кўплаб олимлар шугулланишган. Булардан: C. Look, Z.Tongde, T. Chung, M. Daowei, L. Liangin, S. Jigang, F. Harvey, H. Lowson, L.Boas, R. Boas, Г. Хенкин, Е. Чирка, Л. Айзенберг, В. Какичев, Н. Тарханов, А. Аронов, А. Кытманов, Ш. Даутов, Ш. Ярмухаммедов, А. Романов, А. Сербин, N. Vasilevskiy, M. Shapiro, А. Газиев, Б. Шаимкулов, Д. Джумабаев ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Голоморф функциялар учун кўп ўлчовли чегирмалар, кўп ўлчовли интеграл формулалар билан, хусусан, Бохнер-Мартинелли интеграл формуласи билан чамбарчас боглиқдир. Кўп ўлчовли чегирмалар ўзининг кўп сонли амалий аҳамиятини фейнман интегралларида, математик физиканинг тенгламалари назариясида, алгебрада, комбинаторик анализда, алгебраик ва алгебраик эмас тенгламалар системалари илдизларини излашда, кимёвий кинетикада юзага келадиган масалаларида ҳамда амалий тадқиқотларнинг бошқа соҳаларида топган бўлса-да, уларнинг назарияси тўлиқ тугалланган эмас. Шунинг учун, кўп ўлчовли чегирмаларни ва сингуляр интеграл формулаларни тадқиқ этиш, кўп ўлчовли комплекс анализнинг ўта долзарб вазифаларидан биридир.

Маълумки, комплекс текисликда аргумент принципи (аслида бу бир ўлчовли логарифмик чегирма формуласидир) муҳим рол ўйнайди. Кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида умумлашган логарифмик чегирма формуласи сифатида D чегараланган соҳада $f_1, f_2, \dots, f_n$ голоморф функциялар системаси бўйича ёзилган Южаков-Руснинг кўп ўлчовли логарифмик чегирма формуласи ҳисобланади. Кўп ўлчовли логарифмик чегирма формуласида интеграл соҳанинг чегараси бўйича олинади. Агар $f_1, f_2, \dots, f_n$ акслантиришнинг умумий ноллари соҳанинг чегарасида ётса, формула сингуляр бўлади. Акслантириш $f_1, f_2, ..., f_n$ соҳанинг чегарасида оддий нолларга эга бўлган ҳолатда, умумлашган кўп ўлчовли логарифмик чегирма формуласини ўрганиш ва уни қўллашни тадқиқ қилиш долзарб масаладир.

Бу йўналишларда А. Южаков, G. Roos, Л. Айзенберг, А. Кытманов, А. Цих, M. Passare, N. Tarkhanov, Б.Шаимкулов, F. Hervey, H. Lowson, G. Lupaccioli, Я. Ройтберг, M. Sato, T.Kawai, M. Kashiwara ва бошқа олимларнинг ишларини қайд этиш мумкин.

Диссертация ишида, голоморф акслантириш соҳа чегараси – гиперсиртда нолларига эга бўлган ҳолат учун Южаков – Рус формуласининг умумлашмаси ва ҳосил бўлган формуланинг кўп ўлчовли комплекс анализда тадбиқи (А. Айзенбергнинг соҳадаги бутун нуқталар сони ва соҳа ҳажми ўртасидаги айирмаси учун формуласи умумлашмаси), сонлар назариясида (Оппенгейм айниятларини олиш) ва математик анализда ($\mathbb{R}^n$ фазода Пуассоннинг йигинди формуласи) тадбиқлари ўрганилган.

Ушбу йўналишда Л. Айзенберг, А. Южаков, G. Roos, А. Цих, M. Passare, А. Кытманов, Г. Вороной, В. Иванов, Е. Мышкина, М. Маринов, Я. Ройтберг, Н. Тарханов, А. Куприков, L. Boas, R. Boas, C. Muller ва бошқалар илмий ишлар олиб боришган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети математик анализ ва алгебра, геометрия ва функционал анализ кафедраси ОТ-4-27 «Йордан учликлари фазолари, сигимлар фазолари тавсифлари ва функцияларни голоморф давом эттириш» ҳамда Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти «Математика ва уни ўқитиш муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади соҳа чегараси бир жинсли бўлмаган сингуляр конуссимон қиррага эга бўлган гиперсиртда Бохнер-Мартинелли сингуляр интегралининг бош қийматини ҳисоблаш, мазкур соҳалар учун Привалов ва Сохоцкий-Племель формулаларини ҳосил қилиш, Бохнер-Мартинеллининг сингуляр интеграли учун «айланиш» ва Пуанкаре-Бертран формулаларини исботлаш ҳамда олинган натижаларни кўп ўлчовли комплекс анализда, сонлар назариясида ва бошқа турдош соҳаларда қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бир жинсли бўлмаган конуссимон қиррали соҳаларда Бохнер-Мартинелли сингуляр интеграли учун Привалов ва Сохоцкий-Племель теоремалари аналогини олиш;

ўрин алмаштириш (Пуанкаре-Бертран) формуласининг исботи ва Бохнер-Мартинелли сингуляр интеграли учун «айланиш» формуласини олиш;

чегарада оддий нолларга эга бўлган голоморф акслантиришлар учун Южаков-Рус формуласи-логарифмик чегирма формуласини умумлаштириш;

соҳа чегарасида бутун нуқталар бўлган ҳолатда Л.А.Айзенберг формуласи аналогини исботлаш;

бўлакли икки каррали силлиқ чегарали соҳалар учун Оппенгейм айниятлари аналогини олиш;

D соҳада гармоник ва $\partial D\backslash\{y_0\}$ да нольга тенг бўлган функциялар учун каноник ёйилма олиш ва бутун функциялар учун Декартнинг ишоралар қоидаси ҳамда Бюдан-Фурьенинг теоремаларини исбот қилиш.

Тадқиқотнинг объекти $\mathbb{C}^n$ фазода бир жинсли бўлмаган конуссимон қиррали гиперсиртлар ва шу гиперсиртлардаги сингуляр интеграллар, чегарада оддий ноллларга эга бўлган голоморф акслантиришлар, D соҳада гармоник ҳамда $\partial D\backslash\{y_0\}$ да нольга тенг бўлган гармоник функциялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бир жинсли бўлмаган конуссимон қиррали соҳаларда Бохнер-Мартинеллининг сингуляр интеграли, голоморф акслантиришлар учун Южаков-Рус формуласи-логарифмик чегирма формуласи, соҳа чегарасида бутун нуқталар мавжуд бўлган ҳолда Л.А.Айзенберг формуласи, бўлакли икки каррали силлиқ чегаралар учун Оппенгеймнинг айниятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида кўп ўлчовли комплекс анализнинг замонавий усуллари, Стокс формуласи, голоморф функциялар учун Пуанкаре формуласи ва голоморф функцияларнинг асосий хусусиятлари ҳақидаги теоремалардан, голоморф функциялар учун Тейлор ва Лоран қаторлари, умумлашган гармоник функциялар учун чегаравий қийматлар ҳақидаги теоремаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир жинсли бўлмаган конуссимон қиррали соҳаларда Бохнер-Мартинеллининг сингуляр интеграли учун Привалов ва Сохоцкий-Племель теоремалари аналоги олинган;

Бохнер-Мартинелли сингуляр интеграли учун ўрин алмаштириш (Пуанкаре-Бертран формуласи) ва «айланиш» формуласи топилган;

чегарада оддий нолларга эга бўлган голоморф акслантиришлар учун Южаков-Рус формуласи-логарифмик чегирма формуласи умумлашмаси келтирилган;

соҳа чегарасида бутун нуқталар мавжуд бўлган ҳолда Л.А.Айзенберг формуласи аналоги исботланган;

бўлакли икки каррали силлиқ чегарали соҳалар учун Оппенгейм айнияти аналоглари олинган;

D соҳада гармоник ва $\partial D\backslash\{y_0\}$ да нольга тенг бўлган функциялар учун каноник ёйилма-Лоран қатори олинди ва бутун функциялар учун Декартнинг ишоралар қоидаси ҳамда Бюдан-Фурьенинг теоремалари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари анализда ва сонлар назариясида янги айниятларни олишга ва уларнинг кенгроқ ривожланишига ёрдам беради. Тадқиқотда олинган натижалар нафақат комплекс анализ ва сонлар назарияси мутахассислари учун, балки алгебра, гармоник анализ фанлари ҳамда бошқа соҳа мутахассислари учун амалий масалаларни ечиш имконини беришдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Стокс формуласи, голоморф функциялар учун Пуанкаре формуласи ва голоморф функцияларнинг асосий хусусиятлари ҳақидаги теоремаларидан, голоморф функциялар учун Тейлор ва Лоран қаторлари, умумлашган гармоник функциялар учун чегаравий қийматлар ҳақидаги теоремаларидан фойдаланган ҳолда математик мулоҳазаларнинг ва исботларнинг қатъийлиги, шунингдек юқори халқаро рейтингга эга булган математик журналларда нашр қилиниши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация ишида олинган натижалардан кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида интеграл методларни янада чуқурроқ татқиқ қилишда ва уларни ҳар томонлама тадбиқ қилишда ҳамда янги интеграл формулаларни ҳосил қилишда фойдаланиш имконини бериш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган интеграл формулалардан, жумладан, сонлар назариясида чегараси бўлакли икки каррали силлиқ соҳалар учун Оппенгейм айниятларини олиш ва кимёвий кинетикада учрайдиган алгебраик бўлмаган тенгламалар системасининг нолларини топиш масалаларида ва бошқа шу каби соҳаларда қўлланиланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

чегараси бўлакли силлиқ соҳа ва шу чегарада узлуксиз функциялар учун Бохнер-Мартинелли интеграл формуласи бўйича олинган натижалар, интегралнинг Коши маьносидаги бош қиймати, Бохнер-Мартинелли интегралининг чегаравий ҳолати ҳамда «сакраш» ҳақидаги теоремалардан 14-01-00544 рақамли «Кўп ўлчовли интеграл акслантиришлар ва уларнинг комплекс аналитик геометрия, дифференциал ва айирмали тенгламалар назариясида қўлланиши» мавзусидаги хорижий грантда (Сибирь Федераль университетининг 2021 йил 17 сентябрьдаги №157-сонли маълумотномаси) конуссимон қиррали соҳаларда Бохнер-Мартинеллининг сингуляр интегралининг Коши маъносида бош қийматини ҳисоблашда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши чегараси силлиқ бўлмаган ва чегараси бир жинсли эмас конуссимон қиррали соҳаларда Сохоцкий-Племель ва «сакраш», Пуанкаре-Бертран ва «айланиш» формулаларини олиш имконини берган;

кўп ўлчовли логарифмик чегирма формуласида интеграл соҳанинг чегараси бўйича олинади. Агар $f_1, f_2, ..., f_n$ акслантиришнинг умумий ноллари соҳанинг чегарасида ётса, формула сингуляр бўлади. Акслантириш $f_1, f_2, ..., f_n$ соҳанинг чегарасида оддий нолларга эга бўлган ҳолатда, умумлашган кўп ўлчовли логарифмик чегирма формуласидан 18-51-41011 рақамли «Кўп ўлчовли комплекс анализ» номли хорижий грантда (Сибирь Федераль университетининг 2021 йил 17 сентябрьдаги №158-сонли маълумотномаси)

Л.А.Айзенбергнинг соҳада бутун нуқталар сони ва соҳа ҳажми ўртасидаги айирма учун формуласини умумлашмаларини олишда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши сонлар назариясида чегараси бўлакли икки каррали силлиқ соҳалар учун Оппенгейм айниятларини умумий ҳолатда исботлаш ва анализда Пуассоннинг йиғинди формуласини фазода ёзиш имконини берган;

кўп ўлчовли комплекс анализда, чегараланган соҳада голоморф функциялар системаси бўйича ёзилган Южаков-Руснинг кўп ўлчовли логарифмик чегирма формуласининг умумлашмаси бўлган, чегарада акслантиришнинг оддий ноллари ётадиган ҳол учун олинган формула ва чегирма интегралларидан РФФИ 15-01-00277 рақамли «Алгебраик эмас тенгламалар системаси, илдизларнинг даражали йиғиндиси ва компьютер алгебраси» мавзусидаги халқаро лойиҳада (Сибирь Федераль университетининг 2021 йил 17 сентябрдаги №159-сонли маълумотномаси) алгебраик ва алгебраик бўлмаган тенгламалар системасининг илдизларини топишда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши кимёвий кинетикада учрайдиган алгебраик бўлмаган тенгламалар системасининг илдизларини топиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Барча асосий натижалар академик А.Садуллаев раҳбарлик қилган функциялар назарияси бўйича республика семинарида, Сибирь Федераль университети (Россия) математика ва фундаменталь информатика институтининг шаҳар семинарида, Урганч давлат университети математик анализ кафедраси ва Романовский номидаги математика институтининг Хоразм бўлими қўшма семинарида, шунингдек Қорақалпоқ давлат университети математик анализ кафедраси, Романовский номидаги математика институти Қорақалпоқ бўлими ва Нукус давлат педагогика институтининг “Математика ўқитиш методикаси” кафедраси қўшма семинарида муҳокама этилган. Тадқиқот натижалари 29 та илмий-амалий конференцияда, жумладан, 11 та халқаро конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда ва Scopus халқаро маълумотлар базасига киритилган 15 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 171 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, шу мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотни мақсади ва вазифалари белгиланган. Ўрганиш объекти ва предмети тавсифланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида баён қилинган.

"Дастлабки маълумотлар" деб номланган 1-боб, диссертация ишида қўлланиладиган, асосий қисмига туташ бўлган асосий маълумотлар ва усулларга багишланган. Хусусан, диссертация ишида кўриб чиқиладиган муаммоларни янада чуқурроқ ўрганиш учун зарур маълумотлар берилган: Бохнер-Мартинелли (туридаги) сингуляр интегралининг ва кўп ўлчовли логарифмик чегирманинг асосий хусусиятлари, баъзи бир йигиш формулалари, умумлаштирилган функцияларнинг гармоник давоми, бутун функциялар ноллари ҳақида ва бошқа шу кабилар.

Диссертация ишининг иккинчи боби **“Силлиқ бўлмаган чегарали чегараланган соҳаларда Бохнер-Мартинелли сингуляр интеграли"** деб номланган бўлиб, бўлакли силлиқ ва соҳа чегараси бир жинсли бўлмаган конуссимон қиррали соҳаларда Бохнер-Мартинелли сингуляр интеграли бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. 2.1-параграфда чегараси бўлакли силлиқ соҳаларда Бохнер-Мартинелли интеграл бош қиймати (Коши маъносида) кўриб ўтилган.

Фараз қилайлик, D соҳа $\mathbb{C}^n$ фазода чегараланган ва чегараси бўлакли-силлиқ соҳа бўлиб, f функция ∂D да интегралланувчи, яъни $f \in \mathcal{L}^1(\partial D)$ бўлсин. Ушбу

$$M[f](z) = F(z) = \int_{\partial D} f(\zeta) U(\zeta, z)$$

ифодага f функциядан олинган Бохнер-Мартинелли интеграли деб белгилаймиз. Бу ерда,

$$U(\zeta, z) = U(\zeta - z) = \frac{(n-1)!}{(2\pi i)^n} \sum_{k=1}^{n} (-1)^{k-1} \frac{\overline{\zeta}_k - \overline{z}_k}{|\zeta - z|^{2n}} d\overline{\zeta}[k] \wedge d\zeta$$

Бохнер-Мартинелли ядроси.

Агар f функция D соҳада голоморф ва $\overline{D}$ узлуксиз бўлса, у ҳолда $M[f](z) \equiv f(z)$, яъни, бу Бохнер-Мартинеллининг $\mathbb{C}^n$ фазодаги интеграл формуласи бўлади.

Агар $z \in \partial D$ бўлса, у ҳолда Бохнер-Мартинелли интеграли сингуляр (махсус) бўлади. Унинг бош қиймати (Коши маъносида) қуйидагича аниқланади:

$$M_s[f](z) = F_s(z) = \text{v.}p. \int_{\partial D} f(\zeta) U(\zeta - z) = \lim_{\varepsilon \to 0} \int_{\partial D \setminus B(z,\varepsilon)} f(\zeta) U(\zeta - z),$$

бу ерда, $B(z,\varepsilon) = \{\zeta : |\zeta - z| < \varepsilon\}$, $\varepsilon > 0$.

Фараз қилайлик, $S(z,\varepsilon)$–маркази $z \in \partial D$ нуқтада, радиуси $\varepsilon > 0$ бўлган сфера бўлсин, у ҳолда

$$\alpha(z) = \lim_{\varepsilon \to 0} \frac{VolS(z,\varepsilon) \cap D}{VolS(z,\varepsilon)}$$

$\mathbb{C}^n$ фазода бирлик сфера сирт майдонига-$\Sigma_{2n}=\dfrac{2\pi^n}{(n-1)!}$ бўлинган, z нуқтада ∂D сиртга уринма конуснинг жисмий бурчаги бўлади.

1-тасдиқ. *Фараз қилайлик, f функцияси $\overline{D}$ соҳада $\lambda>0$ кўрсаткичи билан Гёльдер шартини қаноатлантирсин, у ҳолда Бохнер-Мартинелли интегралининг Коши маъносидаги бош қиймати мавжуд ва у ушбу*

$$\text{v.}p.\int_{\partial D} f(\zeta)U(\zeta-z)=\int_{\partial D}[f(\zeta)-f(z)]U(\zeta-z)+\alpha(z)f(z)$$

формула билан ифодаланади.

Дини шартини қаноатлантирувчи функциялар учун 1-тасдиқни қуйидагича умумлаштириш мумкин. Ушбу $z^0\in\partial D$ тайинлаб олиб, шу нуқтадаги f функциянинг узлуксизлик модулини

$$\Theta(\delta)=\sup_{|\zeta-z^0|\leqslant\delta}|f(\zeta)-f(z^0)|$$

деб белгилаймиз, $\alpha(z^0)$ - z^0 нуқтадаги ∂D сиртга уринма конуснинг жисмий бурчагидир.

1-теорема. *Агар f функция ∂D да интегралланувчи, $z^0\in\partial D$ нуқтада узлуксиз ва унинг шу нуқтадаги узлуксизлик модули*

$$\int_0^\beta \frac{\Theta(\delta)}{\delta}d\delta<\infty,\ \beta>0$$

Дини шартини қаноатлантирса, у ҳолда $F_s(z^0)$ сингуляр интеграли мавжуд бўлади ва учи z^0 нуқтада бўладиган D соҳада тўлиқ ётувчи, уринма бўлмаган ихтиёрий γ эгри чизиқда

$$\lim_{\gamma\ni z\to z^0}F^+(z)=\left(1-\alpha(z^0)\right)f(z^0)+F_s(z^0)$$

бўлади.

Бохнер-Мартинелли сингуляр интегралининг Коши маъносидаги бош қиймати ўрганилган олдинги барча ишларда, соҳа чегараси силлиқ ва функция, ҳеч бўлмаганда, бутун соҳа чегарасида узлуксиздир.

2.2-параграф чегаралари конуссимон қиррали бўлакка эга, яъни бўлакли-силлиқ бўлмайдиган гиперсирт бўлган чегараланган соҳада Бохнер-Мартинелли сингуляр интегралини ўрганишга бағишланган. Агар соҳа чегарасида ягона конуслик махсус нуқта бўлган ҳол учун А.Кытманов ва С.Мысливец ўзларининг ишларида Бохнер-Мартинелли интегралларини кўриб чиқишган. Чегара конуссимон қирралара эга бўлса, бу интеграл Д.Джумабоев ишида ўрганилган. Аммо бунинг учун қирраларнинг бир жинслилиги талаб қилинган, бу эса тўпламлар синфини сезиларли даражада торайтиради. Бизнинг ҳолда бу талаб йўқ. Аввало, биз ўрганадиган сиртлар синфини киритамиз.

$\mathbb{C}^n$ фазосини $\mathbb{R}^{2n}$ фазоси билан қуйидагича мос қўямиз: $z=(z_1,\ldots,z_n)$ – $\mathbb{C}^n$ фазода n-ўлчовли комплекс вектор, $x=(x_1,\ldots,x_{2n})$ – $\mathbb{R}^{2n}$ фазодаги ҳақиқий $2n$ -ўлчовли вектор ва $z_j=x_j+ix_{n+j}$, $j=1,\ldots,n$. x_j ўзгарувчиларни қуйидагича гуруҳларга ажратамиз: $x' = (x_1, \dots, x_q)$, $x'' = (x_{q+1}, \dots, x_{2n-1})$, $q \geqslant 0$. $d = 2n-2-q$, $d+q = 2n-2$ кўринишда белгилаймиз.

Фараз қилайлик, X - $\mathbb{R}^{d+1} \setminus \{0\}$ фазодаги d ўлчовли компакт ёпиқ силлиқ кўпхиллик бўлсин ва у $\rho \in C^1(\mathbb{R}^{d+1} \setminus \{0\})$ ҳақиқий қийматли функция билан қуйидагича аниқлансин:

$$X = \{x'' \in \mathbb{R}^{d+1} : \rho(x'') = 0\}, \quad d\rho \neq 0.$$

Д. Джумабоев ишидан фарқли ўлароқ, биз ρ функциянинг бир жинслилигини талаб қилмаймиз.

$\varepsilon_0 > 0$ ни тайинлаб оламиз. Ушбу тўпламни оламиз:

$$C_0 = \{(rx'', r) \in \mathbb{R}^{d+2} : x'' \in X, x_{2n} = r \in [0, \varepsilon_0]\}.$$

Бу C_0 сирт ноль нуқтада ягона махсус нуқтага эга бўлган $d+1$ ўлчовли $\mathbb{R}^{d+2}$ фазодаги конуссимон силлиқ сирт бўлади.

Биз яна ўзгарувчилари $w = (w_1, \dots, w_n)$ бўлган $\mathbb{C}^n$ фазони ва ўзгарувчилари $y = (y_1, \dots, y_{2n})$ бўлган $\mathbb{R}^{2n}$ фазони қараймиз, бу ерда, $w_j = y_j + iy_{n+j}$, $j = 1, \dots, n$. У ҳолда w ўзгарувчиларда

$$C_0 = \{(y'', y_{2n}) : y'' = rx'', y_{2n} = r, x'' \in X, r \in [0, \varepsilon_0]\}$$

кўринишда бўлади.

W тўплам $\mathbb{R}^q$ фазода чегараланган соҳа ва $y' \in W$ бўлсин. $S = W \times C_0$ деб, $\mathbb{C}^n$ фазодаги гиперсиртни белгилаймиз, яъни

$$S = \{y = (y', y'', y_{2n}) \in \mathbb{R}^{2n} : \chi(y) = \chi(y'', y_{2n}) = 0, y' \in W\}.$$

Демак, S тўплами $\Pi = \{y = (y', 0, 0) \in W\}$ махсус конуссимон қиррага эга бўлган силлиқ кўпхиллик.

Фараз қилайлик, $D \in \mathbb{C}^n$ чегараланган соҳа ва унинг чегараси

$$\partial D = \Sigma \cup (S_1 \cup \dots \cup S_N),$$

кўринишда берилган бўлсин, бу ерда, Σ-силлиқ гиперсирт ва ҳар бир S_ν юқорида аниқланган конуссимон S гиперсиртга диффеоморф (p ва d ҳар хил). Шундай қилиб, ∂D – чекли сондаги конуссимон қиррага эга бўлган гиперсирт. Таъкидлашимиз лозимки, бундай соҳалар учун Стокс формуласи ўринли.

Махсус нуқтанинг етарлича кичик атрофидаги анализ локал бўлганлигидан, умумийликни чегараламаган ҳолда, $N = 1$ деб олса бўлади, яъни $\partial D = \Sigma \cup S$, бу ерда S юқорида аниқланган кўринишда бўлади. q ўлчамли Лебег ўлчовини $d\Lambda_q$ орқали белгилаймиз ва интегрални фақат кўпхилликнинг силлиқ бўлаги бўйича оламиз. Агар $f \in \mathcal{L}^1(\Sigma)$ ва $f \in \mathcal{L}^1(S \setminus \Pi)$ бўлса, у ҳолда $f \in \mathcal{L}^1(\partial D)$ бўлади.

Фараз қилайлик, $f \in \mathcal{L}^1(\partial D)$ бўлсин. Агар

$$\lim_{\varepsilon \to +0} \varepsilon^{1-2n} \int_{S \cap B(y_0, \varepsilon)} |f(y) - f(y_0)| \, d\Lambda_{2n-1} = 0,$$

ўринли бўлса, $y_0 \in S$ нуқтаси f функцияси учун Лебег нуқтаси дейилади, бу ерда $B(y_0, \varepsilon)$ –маркази y_0 нуқтада радиуси ε га тенг шар.

1-лемма. *Агар* $y_0 = (y_0', 0, 0) \in \Pi$ *нуқта* $f \in \mathcal{L}^1(\partial D)$ *функциянинг Лебег нуқтаси ва* $z = x = (y_0', 0, x_{2n})$ *нуқтаси конус ўқида ётган бўлса, унда*

$$\lim_{z \to y^0} \left[\int_S (f(w) - f(y_0)) U(w - z) - \int_{S \setminus B(y_0, |x_{2n}|)} (f(w) - f(y_0)) U(w - y_0) \right] = 0$$

бўлади.

Бу тасдиқ конуссимон қиррали соҳалар учун Привалов теоремасини умумлашмаси бўлади. Бир жинсли конуссимон қиррали соҳалар учун бу тасдиқ Д. Джумабоев ишида, чегарада ягона конуссимон махсус нуқтали гиперсиртли соҳалар учун А. Кытманов ва С. Мысливецлар ишида келтирилган.

Бохнер-Мартинелли сингуляр интеграли учун Сохоцкий-Племель формуласининг аналогини келтирайлик. Бу формулалар комплекс анализда сингуляр интегралларнинг соҳа чегараси атрофидаги мавқеини аниқлайдиган асосий формулалар ҳисобланади.

2-теорема. *Агар* $f \in \mathcal{L}^1(\partial D)$ *функция* $z \in \partial D$ *нуқтасида Дини шартини қаноатлантирса, унда* $M_s[f](z)$ *Бохнер-Мартинелли сингуляр интеграли мавжуд бўлиб,*

$$M[f]^+(z) = (1 - \alpha(z)) f(z) + M_s[f](z),$$
$$M[f]^-(z) = -\alpha(z) f(z) + M_s[f](z)$$

Сохоцкий-Племель формулалари ўринли бўлади, бу ерда, $M^+[f](z)$ *- Бохнер-Мартинелли интегралининг соҳа ичидан чегаравий қиймати,* $M^-[f](z)$*- интегралнинг* D *соҳа ташқарасидаги чегаравий қиймати.*

Кейинчалик, интегралланувчи функциялар учун "сакраш" теоремаси исботланади.

3-теорема. *Агар* $z^0 \in \Pi$ *нуқта* $f \in \mathcal{L}^1(\partial D)$ *функциянинг Лебег нуқтаси бўлса, у ҳолда*

$$\lim_{z^{\pm} \to z_0} (M^+[f](z^+) - M^-[f](z^-)) = f(z^0)$$

бўлади, бу ерда, $z^{\pm}$ *нуқталари конуснинг* z^0 *нуқтадаги ўқида ётади,* $z^+ \in D$, $z^- \in \mathbb{C}^n \setminus \overline{D}$, $|z^+| = |z^-|$.

Бу теорема Дини шартини қаноатлантирувчи функциялар учун Сохоцкий-Племель теоремасининг бевосита натижаси бўлади.

1-натижа. *Агар* $f \in \mathcal{C}(\partial D)$ *бўлиб,* $M[f]$ *функцияси* D *ичидан* ∂D *га* $M[f]^+$ *гача узлуксиз давом этса, у ҳолда* $M[f]$ D *нинг ташқарисидан* ∂D *га* $M[f]^-$ *гача давом этади ва*

$$M[f]^+(z) - M[f]^-(z) = f(z), \quad z \in \partial D.$$

тенглик ўринли бўлади.

Иккинчи ва учинчи теоремалар ва 1-натижа Д. Джумабоевнинг чегараси бир жинсли конуссимон қиррага эга соҳалар учун мос теоремаларнинг умумлашмасидир. Чегараси силлиқ соҳалар учун бу натижалар F. Hervey ва H. Lowson ишларида келтирилган.

3-параграфда биз голоморф акслантириш билан боглиқ бўлган Бохнер-Мартинелли интегралининг махсус бош қийматини кўриб чиқамиз. Сингуляр интеграл операторларининг умумий назариясидан маълумки, бу интеграл қиймати умуман олганда, махсус нуқтани олиб ташлашга боглиқ бўлади (атрофларнинг системасини танлашдан). Биз бу ерда Бохнер-Мартинелли интеграли учун, агар атрофлар системаси голоморф акслантириш ёрдамида тузилган бўлса, бундай эмаслигини кўрсатамиз. Яъни Бохнер-Мартинелли сингуляр интеграл учун қуйидаги теорема ўринли.

4-т*еорема.* *Айтайлик, f функция ∂D соҳада интегралланувчи, $z^0 \in \partial D$ нуқтада узлуксиз, унинг шу нуқтадаги узлуксизлик модули Дини шартини қаноатлантирса ва $\varphi = (\varphi_1, \ldots, \varphi_n)$ - $\mathbb{C}^n$ фазода z^0 нуқта атрофида голоморф акслантириш, $\varphi(z^0) = 0$ ҳамда якобиан $\left|\frac{\partial \varphi(z^0)}{\partial z}\right| \neq 0$ бўлсин. У ҳолда*

$$\lim_{\varepsilon \to +0} \int_{\partial D \setminus \{|\phi(z)| < \varepsilon\}} f(z) U(\zeta - z) = \alpha(z^0) f(z^0) + \int_{\partial D} [f(z) - f(z^0)] U(\zeta - z)$$

бўлади.

4-теоремада аниқланган Бохнер-Мартинелли сингуляр интегралининг бош қиймати Бохнер-Мартинелли интегралининг махсус бош қиймати дейилади.

Бу теорема, бизнингча, Коши интеграли учун ҳам, $n = 1$ бўлганда янги ҳисобланади.

Кейинги параграф силлиқ чегарага эга бўлган чегараланган соҳаларда Бохнер-Мартинелли сингуляр интегралининг ўрин алмаштириш-Пуанкаре-Бертран формуласига багишланган.

Сингуляр интеграл тенгламалар назариясида Коши типидаги махсус интеграл учун такрорий интегрални ўрин алмаштириш формуласи (кўп ҳолларда Пуанкаре-Бертран формуласи дейилади) асосий формулалардан бири ҳисобланади. Унинг натижаси бўлган “айланиш” формуласи кўп қўлланилади.

А.Сербин ишида $\mathbb{C}^n$ фазода $n > 1$ бўлганда, Бохнер-Мартинелли сингуляр интеграли учун “айланиш” ва ўрин алмаштириш формулалари ёзилган. Пуанкаре-Бертран формулани ҳосил қилишда “айланиш” формуласидан фойдаланилган. Диссертация ишининг 1-бобида Сербиннинг Бохнер-Мартинелли сингуляр интеграли учун “айланиш” формуласи ва мисол келтирилган, бу мисол - Бохнер-Мартинеллининг махсус интегралини шарда тўгридан тўгри ҳисоблашга асосланган, олинган “айланиш” формуласи $n > 1$ бўлганда ўринли булмайди, шундай қилиб, ўрин алмаштириш формуласи асосланмаган бўлиб қолади.

Бохнер-Мартинелли интеграли учун Пуанкаре-Бертран формуласи келтирамиз.

5-теорема. *Агар $f(\zeta, w) \in C^{\alpha}(\partial D_{\zeta} \times \partial D_w)$, $0 < \alpha < 1$ бўлса, унда $z \in \partial D$ учун ўрин алмаштириш (Пункаре-Бертран) формуласи*

$$\int_{\partial D_w} U(w - z) \int_{\partial D_\zeta} f(\zeta, z) U(\zeta - w) =$$

$$= \frac{1}{4} f(z,z) + \int_{\partial D_\zeta} \int_{\partial D_w} f(\zeta, w) U(w-z) U(\zeta - w)$$

ўринли бўлади (бу формуладаги барча интеграллар бош қиймат маъносида тушунилади, яъни сингуляр).

Ўрин алмаштириш формуласини олиш учун бир нечта леммалар исбот қилинган. Бу леммаларнинг айримлари алоҳида қизиқиш уйғотадиган леммалардир.

2-лемма. *Агар D-чегараси силлиқ бўлган чегараланган соҳа ва γ-коэффициентлари $C^1(\overline{D})$ синфга тегишли (p,q) типдаги дифференциал форма бўлса, у ҳолда*

$$\bar{\partial}_\zeta \int_{D_w} \gamma(w) \wedge U_{p,q-1}(w,\zeta) = \int_{D,w} \gamma(w) \wedge \bar{\partial}_\zeta U_{p,q-1}(w-\zeta) - \frac{\alpha q}{n} \gamma(\zeta),$$

бўлади, бу ерда, агар $\zeta \in D$ бўлса, $\alpha = 1$ ва $\zeta \in \partial D$ бўлса, $\alpha = \frac{1}{2}$, $U_{p,q}$ -қуйидагича аниқланган Коппелман ядроси:

$$U_{p,q}(\zeta, z) = (-1)^{p(n-q-1)} \frac{(n-1)!}{(2\pi i)^n} \times$$

$$\times \sum_{I,J}' \sum_{k \notin J} \sigma(J,k) \sigma(I) \frac{\bar{\zeta}_k - \bar{z}_k}{|\zeta - z|^{2n}} d\bar{\zeta}[J,k] \wedge d\zeta[I] d\bar{z}_J \wedge dz_I,$$

бунда $dz_I = dz_{i_1} \wedge \ldots \wedge dz_{i_p}$, $d\zeta[I]$ формаси $d\zeta$ формадан $d\zeta_{i_1}, \ldots, d\zeta_{i_p}$ дифференциалларини чиқариб ташлашдан ҳосил бўлади, йиғиндидаги штрих йиғинди I ва J мултииндексларнинг ўсиш тартиби бўйича олиб боришни билдиради. Ишоралар $\sigma(J,k)$ ва $\sigma(I)$ қуйидагича аниқланади:

$$\sigma(J,k) dz = dz_k \wedge dz_J \wedge dz[J,k] \qquad \sigma(I) dz = dz_I \wedge dz[I].$$

$U_{p,q}(\zeta, z)$ ядроси ζ ўзгарувчиси бўйича $(n-p, n-q-1)$ типидаги, z ўзгарувчиси бўйича (p,q) типидаги иккилик дифференциал форма сифатида тушунилади. $q = -1$ ва $q = n$ учун $U_{p,q}(\zeta, z) = 0$ бўлади.

3-лемма. *Агар $z \in \partial D$ бўлса, у ҳолда*

$$\int_{\partial D_\zeta} \int_{\partial D_w} U(\zeta - w) U(w - z) = 0,$$

тенглик ўринли бўлади.

Бохнер-Мартинелли сингуляр интеграли учун «айланиш» формуласи ушбу кўринишга эга.

2-натижа. *Агар $f(\zeta, z) = f(\zeta) \in C^\alpha(\partial D)$, $0 < \alpha < 1$, бўлса, унда*

$$M_s^2 f = \frac{1}{4} f + \int_{\partial D_\zeta} f(\zeta) \bar{\partial}_\zeta \mu(\zeta, z), \quad z \in \partial D,$$

бўлади. Бу ерда,

$$\mu(\zeta, z) = \int_{D_w} U(w-z) \wedge U_{0,1}(\zeta, w).$$

Диссертациянинг **"Бохнер-Мартинелли сингуляр интегралининг тадбики"** деб номланувчи 3-боби ишнинг 2-бобида олинган натижаларнинг айрим татбиқларига, жумладан: кўп ўлчовли логарифмик чегирма формуласи-Южаков-Рус формуласини, чегарада оддий нолларга эга бўлган голоморф акслантириш учун умумлаштиришга ва Пуассон йигинди формуласига багишланган. Голоморф функциялар учун кўп ўлчовли чегирмалар, кўп ўлчовли интеграл формулалар билан богланган, хусусий ҳолда, Бохнер-Мартинелли интеграл формуласи билан чамбарчас богликдир.

3.1-параграфда Южаков-Рус формуласи, Бохнер-Мартинелли интеграл формуласи ёрдамида чегарада оддий нолларга эга акслантиришлар учун исботланган.

Фараз қилайлик, Ω – $\mathbb{C}^n$ фазода чегараланган соҳа бўлсин, ∂D бўлакли-силлиқ чегарага эга $D \subset\subset \Omega$ соҳа оламиз. Ω да голоморф бўлган

$$w = f(z) = (f_1, \ldots, f_n).$$

акслантиришни қараймиз.

6-теорема. *Агар $w = f(z)$ акслантиришнинг a^k ноллари ∂D чегарада ётадиган бўлса, лекин ∂D даги барча ноллар оддий ва $\varphi(z)$ функция D соҳада голоморф, $\overline{D}$ да $\lambda > 0$ кўрсаткичи билан Гельдер шартини қаноатлантирса, у ҳолда*

$$\mathrm{v.}p.\int_{\partial D} \varphi U(f) = \sum \alpha(a^k)\varphi(a^k),$$

формуласи ўринли бўлади, бу ерда $U(f)$ – Бохнер-Мартинелли ядроси, агар $a^k \in D$ бўлса, $\alpha(a^k) = 1$ бўлади, *агар $a^k \in \partial D$ бўлса, $\alpha(a^k)$ ноль нуқтада $f(\overline{U}_{a^k} \cap \partial D)$ сиртига ўтказилган уринма конуснинг $\mathbb{R}^{2n}$ да бирлик сфера юзасига бўлинган жисмий бурчагига тенг, U_{a^k} эса, a^k нуқтанинг етарлича кичик атрофидир.*

Бу ерда сингуляр интегралнинг бош қиймати махсус бош қиймат маъносида тушунилади:

$$\mathrm{v.}p.\int_{\partial D} \varphi\omega(f) = \lim_{\varepsilon \to +0} \int_{\partial D \setminus \{|f(\xi)| < \varepsilon\}} \varphi\omega(f).$$

Агар ∂D да f акслантиришнинг ноллари бўлмаса, бу формула Южаков-Рус формуласи бўлади.

3.2-параграф Пуассон йигинди формуласига багишланган бўлиб, Пуассон йигинди формуласи математик анализда қуйидагича аниқланади:

$$\sum_{k \in (a,b) \cap \mathbb{Z}\,;\, a,b \in \mathbb{Z}} \phi(k) + \frac{1}{2}(\phi(a) + \phi(b)) = \sum_{k \in \mathbb{Z}} \int_a^b \phi(x) e^{2\pi ikx} dx.$$

Агар a ва b сонлар бутун сонлар бўлмаганда, Л.А.Айзенберг томонидан бу формулани логарифмик чегирма ёрдамида олишнинг оддий усули топилган, бу ҳолда формуланинг ўнг томонида эса $\frac{1}{2}(\varphi(a) + \varphi(b))$ қўшилувчи бўлмайди.

3.2-параграфнинг 3.2.2 бандида Пуассон формуласининг кўп ўлчовли ҳолати қаралади. Ихтиёрий чегараланган $G \subset \mathbb{R}^n$ соҳа учун Пуассон формуласи мавжуд эмас. Шундай бўлса ҳам қуйидаги тасдиқ ўринли бўлади.

Фараз қилайлик, $G \subset \mathbb{R}^n$ соҳа ёқлари координаталар текисликларига параллел бўлган кўпёқли бўлсин.

2-тасдиқ. *Агар φ функция $\overline{G}$ соҳанинг атрофида ҳақиқий аналитик функция бўлса, у ҳолда*

$$\sum_{k\in\bar{G}\cap Z^n}\alpha(k)\phi(k)=\sum_{k\in Z^n}\int_G\phi(x)e^{2\pi i(k,x)}dx$$

ўринли бўлади, бу ерда, $(k,x)=k_1x_1+\ldots+k_nx_n$ *ва ўнг томондаги қатор "симметрик параллелепипедлар" маъносида яқинлашувчи бўлади. Агар* G *ни чегараловчи текисликлар ичида* $x_j=m$, $m\in\mathbb{Z}$ *кўринишидаги текисликлар бўлмаса, у ҳолда ўнг томондаги қатор Принсгейм маъносида йиғилади (параллелепипедлар бўйича йиғинди)*

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Сонлар назариясида логарифмик чегирма татбиқлари»** деб номланган.

Маълумки, сонлар назарияси тараққиётида бир комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси катта аҳамият касб этди.

1982 йили Л.А.Айзенберг кўп ўлчовли логарифмик чегирма формуласи ёрдамида $\mathbb{R}^n$ фазодаги соҳада бутун нуқталар сони ва соҳа ҳажми орасидаги айирма учун интеграл формуласини топди. Сонлар назариясининг бир қатор классик масалалари (доирада бутун нуқталарнинг сони, Дирихле бўлувчилари, шарда бутун нуқталар сони масалалари ва бошқа шу кабилар) кўрсатилган айирманинг асимптотикасини ҳисоблаш масаласидир.

Шундай қилиб, бу масалалар интегралнинг асимптотикасини ўрганиш масаласига олиб келинади.

4.1-параграфда Л.А.Айзенбергнинг $Q\subset\mathbb{R}^3$ соҳадаги бутун нуқталар сони ва соҳа ҳажми ўртасидаги айирма учун интеграл формуласи чегарада бутун нуқталар бўлган ҳолат учун умумлаштирилган. 4.2-параграфда эса 4.1-параграфда олинган формула соҳа чегараси бўлакли икки каррали силлиқ ва чегарада бутун нуқталар бўлган ҳолда Оппенгейм айниятини умумлаштириш учун қўлланилади. Шу бобнинг 4.3-параграфида Оппенгейм айниятининг хусусий ҳолларда, эллипсоид, тетраэдр ва $\mathbb{R}^3$ фазода қувурлар кесишмалари учун аниқ кўриниши ёзилган. Олинган айниятларнинг ёзилиши мураккаб, аммо айниятнинг ўнг томони фақат элементар тригонометрик функцияларга боғлиқ бўлади.

Энди 4-бобнинг асосий натижаларини келтирамиз.

$\mathbb{C}^3$ фазода чегараланган $D=Q\times G$ соҳани қараймиз, бу ерда, Q - $\mathbb{R}^3_x$ текисликда ∂Q чегараси бўлакли-силлиқ бўлган чегараланган соҳа, биз бу соҳанинг йўналишини табиий равишда оламиз, G - $\mathbb{R}^3_y$ соҳада чегараланган, ∂G эса чегараси бўлакли силлиқ соҳа бўлсин. У ҳолда $(z_1,z_2,z_3)\in D$ нуқталар $z_1=x_1+iy_1$, $z_2=x_2+iy_2$, $z_3=x_3+iy_3$ кўринишда бўлиб, $(0,0,0)\in G$ бўлади.

Бутун нуқталарда нолларга эга бўлган қуйидаги акслантиришни оламиз:

$$f=(f_1,f_2,f_3),\ f_1(z)=e^{2\pi iz_1}-1,\ f_2(z)=e^{2\pi iz_2}-1,\ f_3(z)=e^{2\pi iz_3}-1.$$

$N(Q)$ орқали Q соҳада жойлашган бутун нуқталар сонини, $V(Q)$ орқали эса Q соҳанинг ҳажмини белгилаймиз. Агар ∂Q да бутун нуқталар бўлмаса, кўп ўлчовли логарифмик чегирма формуласи ёрдамида Л.А.Айзенберг томонидан ($\varphi\equiv1$ учун)

$$N(Q)-V(Q)=\frac{4}{\pi}\int_0^\infty\int_0^\infty\int_0^\infty dt_1\wedge dt_2\wedge dt_3\times$$

$$\iint_{\partial Q}\frac{t_2t_3\sin 2\pi x_1dx_2\wedge dx_3-t_1t_3\sin 2\pi x_2dx_1\wedge dx_3+t_1t_2\sin 2\pi x_3dx_1\wedge dx_2}{(t_1^2-2t_1\cos 2\pi x_1+t_2^2-2t_2\cos 2\pi x_2+t_3^2-2t_3\cos 2\pi x_3+3)^3},\qquad(1)$$

интеграл формула олинди.

4.1-параграфда (1) формулани ∂Q чегарада бутун нуқталар бўлган ҳоли учун умумлаштириш қаралади. А.Айзенберг, А.Кытманов ва Б.Пренов ишларида худди шундай масала $\mathbb{R}^2$ ҳол учун ўрганилган.

3-тасдиқ. *Агар ∂Q икки каррали силлиқ ва чегарада бутун нуқталар мавжуд бўлса, у ҳолда*

$$N(Q)+\frac{1}{2}N(\partial Q)-V(Q)=\iint_{\partial Q}F(x_1,x_2,x_3),$$

формула ўринли бўлади, бу ерда

$$F(x_1,x_2,x_3)=\frac{4}{\pi}\times$$

$$\int_0^\infty\int_0^\infty\int_0^\infty\frac{t_2t_3\sin 2\pi x_1dx_2\wedge dx_3-t_1t_3\sin 2\pi x_2dx_1\wedge dx_3+t_1t_2\sin 2\pi x_3dx_1\wedge dx_2}{(t_1^2-2t_1\cos 2\pi x_1+t_2^2-2t_2\cos 2\pi x_2+t_3^2-2t_3\cos 2\pi x_3+3)^3}dt_1\wedge dt_2\wedge dt_3$$

формаси ∂Q да абсолют интегралланувчи.

Энди чегараси бўлакли икки каррали силлиқ бўлган Q соҳани қарайлик. $(l,m,n)\in\partial Q$ бутун нуқта бўлсин, $\alpha(l,m,n)$ орқали қуйидаги лимитни белгилаймиз:

$$\lim_{\varepsilon\to+0}\frac{l_\varepsilon^+}{4\pi\varepsilon^2},$$

бу ерда, l_ε^+ – маркази (l,m,n) бутун нуқтада, радиуси ε бўлган ∂B_ε сферадан олинган $\partial B_\varepsilon\cap Q$ сирт қисмининг юзаси, бу нормаланган жисмий бурчакдир. У ҳолда қуйидаги тасдиқ ўринли.

7-теорема. *Ушбу формула*

$$N(Q)-V(Q)+\sum\alpha(l,m,n)=\iint_{\partial Q}F(x_1,x_2,x_3),$$

ўринли,бу ерда

$$F(x_1,x_2,x_3)=\frac{4}{\pi}\times$$

$$\int_0^\infty\int_0^\infty\int_0^\infty\frac{t_2t_3\sin 2\pi x_1dx_2\wedge dx_3-t_1t_3\sin 2\pi x_2dx_1\wedge dx_3+t_1t_2\sin 2\pi x_3dx_1\wedge dx_2}{(t_1^2-2t_1\cos 2\pi x_1+t_2^2-2t_2\cos 2\pi x_2+t_3^2-2t_3\cos 2\pi x_3+3)^3}dt_1\wedge dt_2\wedge dt_3$$

формаси ∂Q-да абсолют интегралланувчи ва йиғинди ∂Q да ётган барча бутун (l,m,n) нуқталар бўйича олинган.

$\mathbb{R}^3$ фазода Q_λ шар бўлсин, λ шар радиусининг квадрати. Шарда бутун нуқталар сонини $N(Q)$ билан, $N(\partial Q_\lambda)$ билан эса сферадаги бутун нуқталар сонини белгилаймиз. Агар $V(Q)$ шар ҳажми бўлса, унда Оппенгейм айнияти ($\mathbb{R}^2$ фазода Вороной-Харди айнияти)

$$N(Q_\lambda)+\frac{1}{2}N(\partial Q_\lambda)=V(Q)+\lambda^{3/4}\sum_{n=1}^{\infty}r_3(n)n^{-3/4}J_{3/2}(2\pi(n,\lambda)^{1/2}),$$

кўринишга эга бўлади, бу ерда $J_{3/2}$ – Бессель функцияси, $r_3(n)$ – натурал n сонининг $n=m_1^2+m_2^2+m_3^2, m_1,m_2,m_3\in\mathbb{Z}$ учта квадратлар йиғиндиси кўринишидаги ёзилишлар сони.

Оппенгейм айниятида, Вороной-Харди айниятида бўлгани каби бу айниятнинг ўнг томонида $r_3(n)$ назарий сонли функция иштирок этган. Бу ерда мазкур қатор яқинлашувчи эмас, фақат Рисснинг қандайдир бир усули ёрдамида жамланади.

Бу параграфда биз, чегараси бўлакли икки каррали силлиқ бўлган соҳа учун Оппенгейм айниятини умумлашмасини ҳосил қиламиз.

Ҳосил қилинган айниятда юқорида қайд этилган камчиликлар учрамайди.

4-тасдиқ. Айтайлик, *∂Q – икки каррали силлиқ бўлса, у ҳолда*

$$N(Q)+\frac{1}{2}N(\partial Q)=V(Q)+\frac{\sqrt{\pi}}{4}\sum_{k=0}^{\infty}\frac{\Gamma(\frac{k+1}{2})}{3^{k/2}}\sum_{l+m+n=k}\Bigg[\frac{A_{l,m,n}}{\Gamma(\frac{l}{2}+1)\Gamma(\frac{m+1}{2})\Gamma(\frac{n+1}{2})}-$$

$$-\frac{B_{l,m,n}}{\Gamma(\frac{l+1}{2})\Gamma(\frac{m}{2}+1)\Gamma(\frac{n+1}{2})}-\frac{C_{l,m,n}}{\Gamma(\frac{l+1}{2})\Gamma(\frac{m+1}{2})\Gamma(\frac{n}{2}+1)}\Bigg]$$

ўринли бўлади, бу ерда

